

## Бирга тафаккур қилайлик! ( иккинчи мақола)



09:10 / 30.09.2021 2416

Аввалги мақолада тафаккурнинг маъносини баён қилиб, тафаккур ҳақидаги оят ва уламоларнинг сўзларини келтирган эдик.

### **Қушбалиқ ёки учувчи балиқни эшитганмисиз?**

Қушбалиқ балиқларнинг бир тури бўлиб, денгизда душмандан қочиш учун сувдан учиб чиқиб қочади. Бунда у думини сувда ўнг ва чапга тез ҳаракатлантиради. Бу ҳол унинг сувдан чиқиб кўтарилишига ёрдам беради. У ўртача 1,5 метр баландликка кўтарилиб, соатига 30-40 км тезликда ҳавода тахминан 10 сония парвоз қилади. У мана шундай парвозни олти-етти марта такрорлаб, душмандан 400 метрча масофага узоқлашади. **Субҳаналлоҳ!**

### **Сувдаги фарқ**

Иккала идишдаги сув бир жойдан олинган. Лекин ўнг тарафдаги сув тиниқроқ кўриняпти, тўғрими? Бунга сабаб - унинг ичида денгиз моллюскалари (чиғаноқлари) бор. Улар сувни тозалаш хусусиятига эга.  
**Субҳаналлоҳ!**

### **Йўлбарс териси**

Йўлбарс мўйнасидаги чизиқлар ов пайтида ўлжадан яшириниш (маскировка) учун муҳимдир. Мазкур қора чизиқлар қамишзор, ўт-ўланлар орасида худди қамишнинг сояси каби кўриниб, йўлбарс борлиги унчалик сезилмаслигига хизмат қилади.

Табиатда чизиқлари бир хил иккита йўлбарсни топиш имконсиз. Худди одам бармоқ излари каби улар ҳам бир-бирига ўхшамайди.

Ушбу чизиқлар фақат мўйнанинг ўзида бўлиб қолмай, балки теригача етиб борган. **Субҳаналлоҳ!**

### **Туя**

Бошқа ҳайвонлар истеъмол қилганда зарар берадиган тиконли шох, янтоқ ва ҳоказо нарсаларни туя истеъмол қилса ҳам лабига зарар етмайди.

Фақатгина араб туяси бир ўрқачли бўлади. Осиё (Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Муғулистон каби давлатлар) туяси эса икки ўрқачли бўлади.

Ўрқач туянинг озуқа омбори бўлиб, шу ерга тўпланган ёғ ҳисобига туя узоқ муддат емак емай, сув ичмай юра олади. **Субҳаналлоҳ!**

### **Заҳарли лори**

Ушба расмдаги ҳайвоннинг номи лори бўлиб, жануби шарқий Осиё, Бангладеш, Ҳиндистон, Филиппин ва бошқа давлатларда яшар экан.

Маълумотларга кўра, у заҳарли бўлиб, заҳар билакларида жойлашган безларда ишлаб чиқарилиб, сўлак билан аралашиб, душманидан ҳимояланиш, ўлжани қўлга киритиш учун уни тишлаганда заҳарлар экан.

Кўринишидан ювошга ўхшайди. Лекин айтишларича, агар у одамни тишласа, инсон қисқа фурсатда ҳалок бўлиши мумкин экан. **Субҳаналлоҳ!**

Аллоҳ таолонинг яратган махлуқлари борасида тафаккур қилсак, Унинг қудратига, азаматига қойил қолиб, иймонимиз нури зиёда бўлади,

ибодатга рағбатимиз ортади ва ибодатларимизни янада ихлос билан адо этадиган бўламиз.

Сўзимизни ушбу оят билан якунласак:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَنُؤْمِنُ بِالْإِسْلَامِ وَنُؤْمِنُ بِمَا نَزَّلَ اللَّهُ فِي الْقُرْآنِ مِنْ بَيِّنَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ

**“Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар”** (Луқмон сураси, 11-оят)

Аллоҳ таоло ҳаммамизга Ўзининг яратган махлуқлари борасида тафаккур қилиб, иймонимиз нури зиёда бўлишини насиб этсин, ҳаммамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

**Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**